

**ҚОРАКЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**САТТОРОВ ФАРХОД РАХМАТИЛЛОЕВИЧ**

**СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ ТУРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИПИДАГИ  
СИГИРЛАРНИНГ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА  
МАҲСУЛДОРЛИК ВА МОСЛАШУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contens of dissertation abstract of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Сатторов Фарход Рахматиллович**

Симментал зотли турли ишлаб чиқариш типдаги сигирларнинг Зарафшон  
воҳаси шароитида маҳсулдорлик ва мослашувчанлик хусусиятлари ..... 3

**Сатторов Фарход Рахматиллович**

Продуктивные и адаптационные свойства коров симментальской породы  
разных производственных типов в условиях Зеравшанской долины ..... 21

**Sattarov Farkhod Rakhmatilloevich**

Productive and adaptive properties of Simmental cows of different production  
types in the conditions of the Zeravshan valley ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published work..... 42

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ ИНСТИТУТИ**

**САТТОРОВ ФАРХОД РАХМАТИЛЛОЕВИЧ**

**СИММЕНТАЛ ЗОТЛИ ТУРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТИПИДАГИ  
СИГИРЛАРНИНГ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ ШАРОИТИДА  
МАҲСУЛДОРЛИК ВА МОСЛАШУВЧАНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш  
технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Qx650 рақами билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд ветеринария медицинаси институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.uzkarakul.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz.) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Мурадилла Ишанкулович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Турганбаев Рузимбай Уразбаевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Мадрахимов Шодлик Назарович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат аграр университети**

Диссертация ҳимояси Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил « 5 » 08 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47 уй. Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали, 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: uzkarakul30@mail.ru).

Диссертация билан Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (217 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улугбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2022 йил « 18 » 07 кун тарқатилди.  
(2022 йил « 18 » 07 даги 2 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Қ.Амиров**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
қ.х.ф.н., доцент

**З.С.Кличев**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
қ.х.ф.д. (PhD)

**Д.Х.Холмирзаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
қ.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда қорамолчилик алоҳида ўринга эга. Қорамолчилиги ривожланган АҚШ, Германия, Голландия, Канада, Исроил, Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамол зотларининг маҳсулдорлиги бўйича ирсий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш учун уларни тўла қийматли озиқлантиришга, мақбул асраш шароитлари билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. «Селекция – наслчилик ишларида жуфтлашдан олинган авлодларининг насл сифати баҳоланиб, яхшиловчи наслдор буқалар уруғидан кенг фойдаланиш натижасида қорамол зотларининг сут маҳсулдорлиги ошиб бормоқда»<sup>1</sup>. Қорамол зотларининг сут маҳсулдорлигини ошириш, сигирларнинг пуштдорлик, елин хусусиятларини яхшилаш ва сигирларнинг замонавий соғиш ускуналарига яроқлилигини оширишда замонавий технологияларни қўллаш йўналишлари долзарб бўлиб қолмоқда.

Дунё мамлакатларида турли ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирлар сут маҳсулдорлигининг юқорилиги, елини машина соғимига мослашганлиги, истеъмол қилган озуқани сут билан қоплаш даражаси юқорилиги билан ажралиб туради. Симментал зотли сигирлар мустаҳкам озуқа таъминотига эга бўлган шароитда 6000-6500 кг гача сут бериш қобилиятига эга. Яхшиловчи буқаларидан фойдаланиш сутбоп подаларнинг сифатини 2-3 баробар такомиллаштириш имконини беради. Ушбу зотга мансуб сигирларини турли минтақаларда урчитиш, уларнинг ташқи муҳит омилларига мослашишини ўрганиш, уларнинг маҳсулдорлик имкониятларидан самарали фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сут ва гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилган тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Симменталь зотли қорамоллар қўш маҳсулдорлик йўналишида бўлиб, сигирлари юқори сут маҳсулдорлиги ва сутининг сифат кўрсаткичлари ва тўйимлилиги билан, буқачалари юқори ва сифатли гўшт маҳсулдорлиги билан ажралиб туради. Ушбу зот кейинги йилларда Ўзбекистонга ҳам айрим Европа мамлакатларидан келтирилмоқда. Аммо уларнинг Республикамиз шароитида турли омилларга боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятлари ўрганилмаган. Турли ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирларнинг турли омилларга боғлиқ ҳолда сут маҳсулдорлиги, елиннинг морфо-функционал хусусиятлари, лактациясининг кечиш хусусиятларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантиришга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш»<sup>2</sup>. вазифалари белгилаб берилган. Ушбу

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони

вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, аҳолини чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, сифатли сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш, симментал зотли сигирларнинг маҳсулдорлигини оширишда уларнинг генетик потенциалини тўлиқроқ юзага чиқариш йўналишидаги тадқиқотлар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 февралдаги ПҚ-2795-сон «Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Ҳалқаро жамғарма иштирокида Ўзбекистонда сутчилик тармоғида қўшимча қиймат занжирини ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон «Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-121 сон «Чорвачиликни янада ривожлантириш ва чорва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Диссертация ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши фан ва технологияларни ривожлантириш давлат дастурининг V. - “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сут ва сут-гўшт маҳсулдорлик йўналишидаги қорамолларнинг маҳсулдорлик, экстерьер хусусиятларини яхшилаш, сигирларнинг пуштдорлик, елин кўрсаткичларини такомиллаштириш ва уларни замонавий соғиш ускуналарида соғишга яроқлилигини яхшилаш, тўла қийматли озиқлантириш, самарали асраш усулларини ишлаб чиқиш бўйича республикамизда ва хориж давлатларида бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва натижалар амалиётга жорий этилган. Хориж олимлари М.Д.Дедов, Н.И.Стрекозов, П.Н.Прохоренко, И.М.Дунин, В.А.Панин, П.С.Катмаков, Е.И.Анисимова, В.И.Сельцов, И.В.Сивкин ва республикамиз олимлари Ш.А.Акмалхонов, У.Н.Носиров, М.И.Аширов, А.К.Кахаров, И.М.Мақсудов, Ў.Р.Соатов, Н.Р.Рўзиев, М.Х.Досмухамедова, Қ.Ж.Шакиров, Б.М.Аширов, Х.А.Донаев, А.С.Ибадуллаева, Қ.Ж. Шакиров, А.А.Юлдашев тадқиқотларида сут ва сут-гўшт маҳсулдорлик йўналишидаги қорамолларнинг турли омилларга боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш самарадорлиги аниқланган. Аммо айни пайтда, республикамиз шароитида симментал зотли турли ишлаб чиқариш типларига хос сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси, экстерьер, пуштдорлик, елин хусусиятлари махсус тадқиқотларда етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти

илмий-тадқиқот ишлари режасининг №0194513 «Қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва уни сифатини яхшилаш бўйича генетик потенциалидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқотлари доирасида бажарилган (2018-2021 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** Зарафшон воҳаси шароитида симментал зотли сигирларнинг мақсадга мувофиқ бўлган зот ичидаги типини аниқлаш, турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ҳамда мослашувчанлик хусусиятларини турли омилларга боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларни озиклантириш ва асраш шароити ҳамда экстерьер хусусиятларини баҳолаш;

симментал зотли турли ишлаб чиқариш типидagi сигирлар лактациясининг 305 кунини давомидаги сут маҳсулдорлигини, сутининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

турли типдаги сигирларнинг сут маҳсулдорлигини елин шаклларига боғлиқлигини ва елиннинг морфофункционал хусусиятларини аниқлаш;

сигирларнинг маҳсулдорлик хусусиятларини турли паратипик омилларга боғлиқлиги ҳамда лактациясининг кечиш хусусиятларини аниқлаш;

турли типдаги симментал зотли сигирларнинг клиник кўрсаткичлари ва иссиққа чидамлилиқ индексини аниқлаш;

симменталь зотли турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларни урчитишнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Зарафшон воҳасида урчитилаётган турли ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирлар ва улардан олинган сут маҳсулотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** турли ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирларнинг экстерьерлари, сут маҳсулдорлиги, сутининг сифат кўрсаткичлари, елинининг морфофункционал, пуштдорлик кўрсаткичлари ва бошқа хўжалик-фойдали белгилари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий тадқиқотни бажаришда А.С.Всякихнинг «Сигирларни турли ишлаб чиқариш типларига ажратиш» экстерьерлари, тана тузилиш индекслари, сут маҳсулдорлиги, елинининг морфофункционал кўрсаткичлари, подани қайта тўлдириш хусусияти, сутдорлик коэффициенти, ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичларини аниқлашда зоотехнияда умумий қабул қилинган услублардан, Ю.О.Раушенбахнинг «Иссиққа чидамлилиқ индексини аниқлаш», В.Е.Недаванин «Озуқаларни сут билан қоплаш хусусиятлари», Е.К.Меркурьеванин «Ўртача арифметик қиймат ( $X$ ), унинг хатоси ( $S_x$ ), ўзгарувчанлик коэффициенти ( $C_v$ ), ишончлилиқ критерийлари ( $td$ ) ва бўсағалари ( $P$ )» усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон воҳаси шароитида симментал зотли сигирларнинг III лактацияда сут типидagi сигирларда озукани сутга айлантириш хусусияти

юқори бўлганлиги сабабли, сут маҳсулдорлиги 4077,0 кг ни ташкил этиб, сут-гўшт типига нисбатан 672,5 (3404,5) кг ва гўшт типига нисбатан 958,5 кг юқори бўлганлиги аниқланган;

тирик вазн ва сут маҳсулдорлиги ўртасида ижобий корреляцион боғлиқлик бўлганлиги сабабли, симментал зотли I лактациядаги 471 килограммдан юқори тирик вазндаги сигирларнинг сутдорлик коэффициенти сут типига 699,9 кг ни, сут-гўшт типига 650,5 кг ни ва гўшт-сут типига 591,8 кг ни ташкил этиши аниқланган;

сигирларнинг озуқани сут маҳсулоти билан қоплаш даражасини кўрсатувчи 1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги сут, сут-гўшт ва гўшт-сут типига тегишлича 0,86; 0,93 ва 0,97 кг ни ташкил қилиши аниқланган;

Зарафшон воҳаси шароитидаги фермер хўжаликларида симментал зотли сигирлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланганда, озуқани маҳсулот бирлигига айлантириш хусусияти юқори бўлганлиги сабабли, рентабеллик даражаси сут типига энг юқори бўлиб, 39,5 фоиз, сут-гўшт типига 36,7 фоиз ҳамда гўшт-сут типига 33,9 фоиз бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси шароитида симментал зотли сигирларнинг учинчи лактациядаги сут маҳсулдорлиги турли ишлаб чиқариш типларида ҳар хил бўлиши ҳамда сут типига юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлиши аниқланган;

симментал зотли сигирларнинг биринчи лактацияда 471 килограммдан юқори тирик вазндаги сигирларнинг сутдорлик коэффициенти сут типига юқори бўлиши, сут-гўшт типига оралиқ ўринда ва гўшт-сут типига охириги ўринда бўлиши аниқланган;

сигирларнинг озуқани сут маҳсулоти билан қоплаш даражасини кўрсатувчи бир килограмм табиий сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги сут ва сут-гўшт типига нисбатан гўшт-сут типига юқори бўлиши аниқланган;

Зарафшон воҳаси шароитидаги фермер хўжаликларида симментал зотли сигирлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланганда сут типигаги сигирлар бошқа типларга нисбатан юқори натижаларни қайд этганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илғор зотехния, озиқлантириш усулларида фойдаланилганлиги, махсус тажрибалар натижаларига ҳамда юритилган бирламчи хужжатларга, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси апробация комиссияси томонидан ижобий баҳо берилганлиги, маълумотларга вариацион статистика усулларида ишлов берилганлиги, ишонччилик критерийларининг аниқланганлиги, тадқиқот натижалари жорий этиш далолатномалари билан тасдиқлангани ва етакчи илмий ва илмий-амалий нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар симменталь зотли сигирларнинг маҳсулдорлик, экстерьер, елиннинг морфофункционал ҳамда пуштдорлик хусусиятларини ишлаб чиқариш типларини ва ташқи муҳит омилларидан фойдаланиб яхшилаш усуллари ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республикамизга четдан келтирилган симменталь зотли сигирлардан сутбоп подада фойдаланиш жараёнида уларнинг сут маҳсулдорлигини ва асосий хўжалик-фойдали белгиларини яхшилашда уларнинг ишлаб чиқариш типларидан, тирик вазни, елин шакллари, сервис-даври муддатларини ҳисобга олган ҳолда поданинг маҳсулдорлигини ошириш ҳамда симментал зотли сигирлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зарафшон воҳаси шароитида симменталь зотли турли ишлаб чиқариш типдаги сигирларнинг маҳсулдорлик ва мослашувчанлик хусусиятлари йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

“Симментал зотли сут ишлаб чиқариш типдаги сермахсул сигирлар гуруҳини яратиш” усули Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани “К.Элдор” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 2 февралдаги 02/23-62-сон маълумотномаси). Натижада бир бош сигирдан олинган маҳсулотларнинг рентабеллик даражаси 39,2 фоиздан 45,5 фоизга ошиши кузатилган;

“Симментал зотли сут ишлаб чиқариш типдаги сермахсул сигирлар гуруҳини яратиш” усули Самарқанд вилоятининг Пастдарғом тумани “Севар” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 2 февралдаги 02/23-62-сон маълумотномаси). Натижада I-лактацияда бир бош сигирдан олинган соф фойда 4150000 сўмни ташкил қилган;

“Симментал зотли сут ишлаб чиқариш типдаги сермахсул сигирлар гуруҳини яратиш” усули Самарқанд вилоятининг Ургут тумани “Муллақишлоқ насл чорва” фермер хўжалигида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2021 йил 2 февралдаги 02/23-62-сон маълумотномаси). Натижада бир бош сут типдаги сигирдан олинган соф фойда 9905000 сўмни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “К.Элдор” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Самарқанд ветеринария медицинаси институти Зооинженерия факултетининг апробация комиссиясида (2019-2021

ий.) ҳамда 4 та ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та, шу жумладан ҳалқаро ва республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 5 та, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан 2 таси хорижий нашрларда, илмий мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати илмий жиҳатдан асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида республика ва хориж олимлари томонидан симменталь зотли сигирлар ва уларнинг маҳсулдорлик хусусиятларига таъсир этувчи омиллар, сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда наслчилик ишининг аҳамияти ва наслдор буқаларнинг ўрни, сигирларнинг сут маҳсулдорлигига тирик вазнининг таъсири ва пуштдорлик хусусиятларига боғлиқлиги, сигирларнинг экстеръери ва тана тузилишига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятлари йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар қилинган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотларни ўтказиш жойи, манбаи ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, тадқиқот манбаи ва тадқиқотни бажариш услублари баён қилинган.

Илмий тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2018-2021 йилларда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани “К.Элдор” фермер хўжалигида бажарилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида Зарафшон воҳасида урчитилаётган турли ишлаб чиқариш типигаги симменталь зотли сигирлар ва улардан олинган сут маҳсулотлари олинган. Тадқиқотлар давомида турли ишлаб чиқариш типигаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутининг (кимёвий) таркиби, сигирларнинг тирик вазни, экстеръери ва тана тузилиш индекслари, бир бошга сарфланган озуқа миқдори, клиник кўрсаткичлари,

елиннинг морфофункционал хусусиятлари, пушторлигини аниқлаш, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибаларда олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланилган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг “Тажрибадаги сигирларнинг асраш ва озиклантириш шароитлари ҳамда экстерьер хусусиятлари” номли учинчи бобида тажрибадаги сигирларни асраш ва озиклантириш шароити ҳамда турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларнинг экстерьерини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Сутбоп подаларда соғин сигирларни бир турда озиклантиришни ташкил этиш уларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имконини беради. Қуйидаги 1-жадвалда тажриба гуруҳларидаги сигирларга III лактация даврида сарфланган озуқалар миқдори келтирилди.

#### 1-жадвал

#### Тажриба гуруҳларидаги ўртача ҳар 1 бош сигирга лактацияда сарфланган бир турдаги озуқалар миқдори ва уларнинг тўйимлилиги

Гуруҳлар	Ҳар 1 бош сигирга сарфланган		Озуқалар таркибидаги ҳазмланадиган протеин, кг	Ҳар 1 озуқа бирлигига сарфланган ҳазмланадиган протеин, г
	озуқа миқдори, кг	озуқа бирлиги, кг		
I	7791,5	3506,2	404,3	115,3
II	7005,1	3152,3	365,9	116,1
III	6721,9	3024,9	353,6	116,9

Жадвал маълумотларидан кўринишича, лактацияда I гуруҳдаги ҳар 1 бош сигир II ва III гуруҳлардаги сигирларга нисбатан тегишлича 786,4 кг ёки 11,2 фоиз ва 1069,6 кг ёки 15,9 фоиз озуқа кўп истеъмол қилди, бу озуқаларнинг таркибида мос равишда 353,9 ва 481,3 озуқа бирлиги кўп бўлди. Шунингдек I гуруҳдаги сигирлар истеъмол қилган озуқалар таркибида II ва III гуруҳларга нисбатан ҳазмланадиган протеин тегишлича 38,4 кг ёки 10,5 фоиз ва 50,7 кг ёки 14,3 фоиз кўп ҳамда ҳар 1 озуқа бирлигига сарфланган ҳазмланадиган протеин миқдори ўртача 0,8 ва 1,6 г кам бўлди.

Симментал зотли сут ишлаб чиқариш типидagi сигирлар лактация давомида бир турдаги озуқани юқори иштаҳа билан истеъмол қилдилар, бу ўз навбатида уларнинг юқори даражадаги сут маҳсулдорлигини юзага чиқаришга имконият яратди.

Тадқиқотларда турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларнинг экстерьерини ўрганиш уларнинг маҳсулдорлик йўналишини, танасининг мутаносиб ривожланганлигини баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга. Тадқиқотларда сигирлар лактациянинг 3-ойлигидан сўнг асосий тана ўлчамлари ўрганилди (2-жадвал).

Юқори тирик вазнга эга II ва III гуруҳ сигирларида тана ўлчамлари ҳам сут типидagi I гуруҳ сигирларникидан юқори бўлди. Айниқса, гўшт-сут

типидаги сигирлар тана ўлчамлари бўйича сут ва сут-гўшт типидаги сигирларга нисбатан юқори тана ўлчамларига эга бўлдилар.

## 2-жадвал

### Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг тана ўлчамлари, см

Тана ўлчамлари	Группы					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Яғрин баландлиги	133,2±1,63	4,05	135,9±1,44	3,53	136,7±1,37	3,34
Думғаза баландлиги	137,7±1,47	3,54	139,5±1,35	3,21	139,9±1,33	3,16
Кўкрак чуқурлиги	71,7±1,19	5,51	74,0±1,30	5,82	75,2±1,16	5,10
Кўкрак кенглиги	51,7±0,75	4,83	53,2±1,02	6,36	53,9±1,39	8,57
Кўкрак айланаси	208,8±3,77	5,99	211,9±3,21	5,02	215,2±2,68	4,13
Тананинг кия узунлиги	158,8±1,09	2,27	160,9±1,04	2,14	161,7±1,08	2,21
Ёнбош дўнгликлари кенглиги	52,2±0,90	5,72	53,8±0,94	5,81	54,7±1,10	6,66
Кафт айланаси	21,0±0,34	5,37	22,2±0,32	5,03	23,2±0,43	6,12

III гуруҳ сигирларнинг яғрин баландлиги I ва II гуруҳлардаги сигирларникидан тегишлича 3,5 ва 0,8 см; сағри баландлиги 2,2 ва 0,4 см, кўкрак чуқурлиги 3,5 ва 1,2 см, кўкрак эни 2,2 ва 0,7 см; кўкрак айланаси 6,4 ва 3,3 см; тананинг кия узунлиги 2,9 ва 0,8 см; орқа дўнг суяк эни 2,5 ва 0,9 см; пойча айланаси 2,2 ва 2,1 см ( $P > 0,999$ ) юқори бўлган. Ўрганилган тана ўлчамлари II гуруҳ сигирларида I гуруҳдаги сигирларникидан юқори кўрсаткичлар билан тавсифланади, аммо I гуруҳ сигирларнинг тана ўлчамлари ҳам уларнинг кўкрак қафаси яхши ривожланганлигини ва улар сут типига эга бўлганлигини кўрсатади.

Диссертациямизнинг услубига биноан тана ўлчамларининг кўрсаткичи ёрдамида тана тузилиш индексларини ҳисоблаб 3-жадвалда хавола қилдик.

## 3-жадвал

### Сигирларнинг тана индекслари, %

Тана индекслари	Гуруҳлар		
	I	II	III
Узуноёқлилиқ	46,2	45,5	45,0
Чўзилувчанлик	119,2	118,4	118,3
Кўкрак	72,1	71,9	71,7
Зичлилиқ	131,5	131,7	133,1
Суякдорлик	15,8	16,3	17,0
Тос-кўкрак	99,0	98,9	98,5

Жадвал маълумотларидан кўринишича, II ва III гуруҳлардаги сигирларда узуноёқлилиқ индекси I гуруҳга нисбатан паст кўрсаткичга эга, бу уларнинг танасининг йириклигини тасдиқлайди. I гуруҳ сигирлари чўзилувчан танага эга ва уларда кўкрак қафаси II ва III гуруҳларга нисбатан яхши ривожланганлигини мазкур индекслардан ҳам кўриш мумкин.

Нисбатан зич ривожланган танага III гуруҳ сигирлари эга бўлди, буни зичлик индекси маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

Сигирларнинг узунёқлилиқ индекси 45,0-46,2%, чўзиқлилиқ, кўкракдорлик, тос-кўкрак, зичлик ва суякдорлик индекслари шунга мутаносиб равишда: 118,3-119,2; 71,7-72,1; 98,5-99,0; 131,5-133,1 ва 15,8-17,0% оралиғида бўлган. Юқори тирик вазнга эга III гуруҳ сигирларининг танаси йирик ривожланган, тана ўлчамлари сут ва сут-гўшт типидagi I ва II гуруҳ сигирларникидан юқори, I гуруҳдаги сут типидagi сигирлар чўзилувчан, зич танага ва яхши ривожланган кўкрак қафасига эга бўлдилар.

Диссертациянинг “**Турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларнинг сут маҳсулдорлиги**” номли тўртинчи бобида тажриба гуруҳларидаги сигирлар сут маҳсулдорлигининг елинини морфо-функционал хусусиятларига боғлиқлиги, симменталь зотли турли лактациялардаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, лактациясининг кечиш хусусиятлари, турли лактацияларда тирик вазнига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги, ҳар 100 кг тирик вазнга боғлиқликда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, озукани сут билан қоплаш даражаси йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

#### 4-жадвал

### Ҳар хил шаклли елинли сигирларнинг III лактацияда сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv, %	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv, %
Тоссимон						
Сигирлар бош сони	8		4		-	
Сут миқдори, кг	4303,5±70,5	4,45	3450,9±47,4	1,25	-	-
Сут таркибидаги ёғ, %	3,80±0,03	2,25	4,1±0,03	0,71	-	-
Сут ёғи чиқими, кг	163,8±1,96	3,19	143,5±0,85	0,57	-	-
4 % - ли сут миқдори, кг	4082,5±48,5	3,15	3543,6±20,1	0,54	-	-
Сутдорлик коэф., кг	824,9±14,6	4,69	520,9±3,89	0,56	-	-
Косасимон						
Сигирлар бош сони	2		7		3	
Сут миқдори, кг	3850,5±90,6	4,08	3357,7±42,5	3,06	3329,0±68,7	4,61
Сут таркибидаги ёғ, %	4,17±0,09	3,64	4,22±0,05	2,78	4,13±0,04	2,24
Сут ёғи чиқими, кг	160,6±2,31	2,49	140,9±1,62	2,79	137,7±1,74	2,83
4 % - ли сут миқдори, кг	4030,7±59,0	2,50	3563,8±40,3	2,77	3437,2±43,5	2,83
Сутдорлик коэф., кг	810,1±1,59	0,34	530,9±10,2	3,83	516,8±9,78	3,55
Думалок						
Сигирлар бош сони	-		6		6	
Сут миқдори, кг	-	-	3405,0±59,8	2,67	2908,0±43,5	3,34
Сут таркибидаги ёғ, %	-	-	4,20±0,11	3,52	4,40±0,04	1,87
Сут ёғи чиқими, кг	-	-	141,6±1,60	1,67	127,9±2,15	3,76
4 % - ли сут миқдори, кг	-	-	3540,2±39,5	1,65	3205,2±53,5	3,74
Сутдорлик коэф., кг	-	-	513,9±0,81	0,18	542,6±6,52	2,60

Сигирларнинг III лактациядаги елин шакллариға боғлиқликда сут маҳсулдорлиги бўйича олинган маълумотлар таҳлиliga кўра (4-жадвал) I гуруҳдаги тоссимон елинли сигирларнинг сут миқдори II гуруҳдаги тенгқурларникидан 852,6 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими 20,2 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 538,9 кг ( $P>0,999$ ), сутдорлик коэффициенти 304,0 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлган. Ушбу маълумотлар сут типидаги сигирларда тоссимон шаклли елин кўп учраб, бундай сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси ҳам сезиларли даражада юқори бўлишидан далолат берди.

Косасимон елин шаклидаги I гуруҳ сигирларнинг лактациядаги сут миқдори 3850,5 кг ни ташкил этиб, II ва III гуруҳ сигирлар кўрсаткичидан тегишлича: 492,8 ва 521,5 кг; сут ёғи чиқими: 19,7 ва 22,9 кг; 4%-ли сут: 466,9 ва 593,5 кг ҳамда сутдорлик коэффициенти 279,2 ва 293,3 кг юқори бўлди.

Сигирларнинг I гуруҳда думалоқ елин шакли учрамаган ва бу кўрсаткич II ва III гуруҳда ўзаро таққосланди. III гуруҳдаги думалоқ елинли сигирларда сут миқдори, сут ёғи чиқими, 4% ли сут миқдори II гуруҳдаги сигирлардан тегишлича: 497,0 кг; 13,7 кг; 335,0 кг юқори бўлса, сутдорлик коэффициенти бўйича III гуруҳ сигирлари 28,7 кг устунликка эришган.

Сут ишлаб чиқариш типига эга симменталь зотли сигирларда мақбул тоссимон ва косасимон елин шакллари сут-гўшт ва гўшт-сут типли сигирларга нисбатан кўп учрайди. Симментал зотли қорамолларни урчитишда сигирларнинг елин шакллари бўйича селекция-наслчилик ишларини олиб бориш юқори маҳсулдор сутбоп подалар яратишда муҳим омил ҳисобланади.

#### 5-жадвал

#### Сигирлар елинининг функционал хусусиятлари

Гуруҳлар	Бош сони	Елин индекси, %		Сут бериш тезлиги, кг/дақ	
		$\bar{X}\pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X}\pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Тоссимон шаклдаги елинли сигирларда					
I	8	43,7±0,14	0,84	1,55±0,05	9,03
II	2	43,5±0,21	0,49	1,46±0,06	4,34
III	-	-	-	-	-
Косасимон шаклли елинли сигирларда					
I	4	43,3±0,32	1,27	1,39±0,08	9,72
II	7	43,3±0,13	0,73	1,32±0,03	6,04
III	6	42,9±0,16	0,83	1,26±0,03	5,12
Думалоқ шаклдаги елинли сигирларда					
I	-	-	-	-	-
II	3	42,3±0,28	0,96	1,09±0,05	6,80
III	6	41,9±0,07	0,37	1,04±0,04	8,09

Сут ишлаб чиқариш типидаги симменталь зотли сигирларда тоссимон ва косасимон елин шакллари сут-гўшт ва гўшт-сут типли сигирларга нисбатан кўп учрайди. Тоссимон елин шаклига эга сут ишлаб чиқариш типидиғи

сигирлар косасимон ва думалоқ елин шакллариға эга сигирларниқидан сут маҳсулдорлиги бўйича сезиларли устунликка эришдилар. Сигирлар елинининг функционал хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвалдан маълумотиға кўра, тоссимон елинли I ва II гуруҳлардаги сигирларнинг елин индекси ўртасида сезиларли фарқ кузатилмади, аммо I гуруҳдаги сигирларнинг елин индекси косасимон елинли II ва III гуруҳлар кўрсаткичидан тегишлича 0,4 ва 0,8% ҳамда думалоқ елинли ушбу гуруҳлардаги сигирларниқидан тегишли равишда 1,4 ва 1,8% юқори кўрсаткичларға эга бўлди. Бу I гуруҳ сигирларининг елини мутаносиб ривожланганлиғидан далолат беради. Сут бериш тезлиги бўйича ҳам тоссимон елин шаклиға эга I гуруҳ сигирлари юқори натижаға эришиб, косасимон елинли II ва III гуруҳ сигирларниқидан тегишли равишда 14,8 ва 18,7%, думалоқ елинли сигирлардан 29,7% ва 32,9% юқори бўлган.

Сут типидаги I гуруҳ сигирларининг елин индекси ва сут бериш тезлиги II ва III гуруҳлардаги сигирлар кўрсаткичларидан юқори бўлди, бу I гуруҳ сигирларининг елини мутаносиб ривожланганлиғидан ва замонавий соғиш усқуналарига яхши мослашганлиғидан далолат беради.

Турли ишлаб чиқариш типидаги сигирларнинг III лактациясидаги сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари қуйидаги 6-жадвалда келтирилган.

**6-жадвал**

**Турли типдаги сигирларнинг III лактациясида сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv,%	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv,%	$\bar{X} \pm S\bar{X}$	Cv,%
Сут миқдори, кг	4077,0±71,9	5,86	3404,5±66,6	6,40	3118,5±75,9	8,07
Сутдаги ёғ, %	3,98±0,053	4,46	4,17±0,045	3,62	4,26±0,048	3,79
Сут ёғи чиқими, кг	162,2±0,37	5,30	142,0±1,72	4,03	132,8±1,96	4,90
4%-ли сут миқдори, кг	4056,6±35,5	2,91	3549,2±43,1	4,03	3321,2±49,1	4,91
Сутдорлик коэффициенти, кг	817,5±9,83	3,98	652,3±8,53	4,34	588,8±10,2	5,77
Тирик вазни, кг	498,7±7,97	5,30	521,9±6,36	4,04	529,6±7,15	4,48

6-жадвал маълумотларидан кўринишича, I гуруҳдаги сигирларнинг лактациядаги сут миқдори, сут ёғи чиқими, 4%-ли сут миқдори ва сутдорлик коэффициенти II ва III гуруҳдаги тенгқурларидан юқори кўрсаткичға эга бўлиб, тегишлича: 672,5 кг ёки 16,5 ва 958,5 кг ёки 23,5; 20,2 кг ёки 12,4 ва 29,4 кг ёки 18,1; 507,4 кг ёки 12,5 ва 735,4 кг ёки 18,1; 165,2 кг ёки 20,2 ва 228,7 кг ва 28,0 фоиз бўлган. I гуруҳдаги сигирларнинг сут миқдори симменталь зотининг андоза талабларидан 377 кг (10,2%), сутдаги ёғ 0,18 %, сут ёғи чиқими 22,2 кг (15,8%) юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг III лактациясида тирик вазниға боғлиқликда сут маҳсулдорлиги қуйидаги 7-жадвалда келтирилган.

**Тажриба гуруҳларидаги III лактациядаги сигирларнинг тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик кўрсаткичлари**

Тирик вазни, кг	Бош сони	Сут миқдори, кг	Сутдаги ёғ, %	Сут ёғи чикими, кг	4%-ли сут, кг	Ўртача тирик вазни, кг
<b>I гуруҳ</b>						
470 кг-ча	3	3824,7±122,8	4,17±0,15	159,5±1,90	3987,2±48,1	463,3±5,4
471-500	4	3975,2±372,5	3,99±0,09	159,0±2,99	3965,3±74,5	482,2±0,7
501-530	3	4153,0±21,9	3,90±0,03	162,0±1,37	4049,2±33,7	510,3±3,2
531-560	2	4355,1±73,0	3,86±0,08	168,1±0,56	4202,7±14,6	539,0±9,9
<b>II гуруҳ</b>						
500 кг-ча	2	3197,0±155,5	4,35±0,09	139,1±4,31	3476,7±107,9	493,5±2,8
501-520	5	3297,5±75,3	4,20±0,04	138,5±3,34	3462,4±83,2	512,0±3,6
521-540	2	3536,5±309,0	4,07±0,13	144,0±8,06	3598,4±202,3	532,0±9,9
541-560	3	3587,0±145,4	4,06±0,01	145,6±4,04	3640,8±101,4	549,4±2,0
<b>III гуруҳ</b>						
510 кг-ча	4	2968,7±95,9	4,36±0,06	129,4±3,76	3253,9±94,0	505,0±2,8
511-520	1	2920,3	4,34	126,7	3168,5	512,0
521-540	4	3173,5±105,1	4,20±0,11	133,3±2,49	3331,6±62,3	525,5±2,4
541-560	1	3102,5	4,30	133,4	3335,2	542,0
561кг ва ундан юқори	2	3427,5±289,2	4,10±0,13	140,5±7,3	3513,2±182,1	563,5±13,4

Жадвал маълумотларидан кўринишича, I гуруҳда III лактацияда 531-560 кг тирик вазнга эга сигирлар энг юқори сут маҳсулдорлигини юзага чиқардилар. Бундай тирик вазнга эга I гуруҳ сигирларининг III лактациядаги сут миқдори ушбу гуруҳдаги 470 кг-ча, 471-500, 501-530 кг тирик вазли сигирларникидан тегишли тарзда 530,4 кг ( $P>0,999$ ); 379,9 кг ва 202,1 кг; сут ёғи чикими тегишлича 8,6; 9,5 ва 6,1 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут 215,5; 237,4 ва 153,5 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, I гуруҳдаги 531-560 кг тирик вазнга эга сигирларнинг сут миқдори II гуруҳдаги турли тирик вазндаги тенгқурларникидан 781-1158,1 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чикими 22,5-29,6 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 561,9-740,3 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлди ҳамда мазкур кўрсаткичлар III гуруҳ сигирларникидан тегишлича 927,6-1434,8 кг ( $P>0,999$ ), 27,6-41,4 кг ( $P>0,999$ ), 689,5-1034,2 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлганлиги аниқланди.

Симменталь зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги Ўзбекистон шароитида лактациядан қатъий назар, тирик вазнига боғлиқ эканлигини кўрсатди. Мазкур маълумотлар подада юқори тирик вазнга эга сигирлар салмоғини ошириб бориш сермаҳсул сутбоп подалар яратишда муҳим тадбир эканлигидан далолат беради.

Сигирлардан сутбоп подада фойдаланишнинг самарадорлигини баҳолашда уларнинг озуқани сут билан қоплаш кўрсаткичлари алоҳида ўринга эга. Тажрибаларда олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

### 8-жадвал

#### Сигирларни озуқани сут маҳсулоти билан қоплаш кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Лактацияда ҳар 1 бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	3506,2	3152,3	3024,9
Сут миқдори, кг	4077,0	3404,5	3118,5
4%ли сут миқдори, кг	4056,6	3549,2	3321,2
1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	0,86	0,93	0,97
1 кг 4% ли сут учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	0,86	0,88	0,91
Ҳар 100 озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди: табиий ёғлиликдаги сут, кг	116,27	108,0	103,09
4% ли сут, кг	115,69	112,59	109,79

Таҳлилларга кўра, I тажриба гуруҳидаги сут типига мансуб бўлган сигирлар ўз тенгқурлари II ва III тажриба гуруҳидаги сигирларга нисбатан 767,9 ёки 19,6 фоиз ҳамда 1135,9 ёки 28,9 фоиз озиқани кам истеъмол қилишган. Худди шунингдек, уларда соғиб олинган сут миқдори ҳам ўз тенгқурларига қараганда 672,5 ва 958,5 кг, 4 % ли сут миқдори эса 507,4 ва 735,4 кг кам бўлган. 1 кг табиий ёғлиликдаги сутга сарфланган озуқа миқдори тажриба гуруҳларидаги сигирларда тегишлича: 1,04; 1,08 ва 1,12 га тенг бўлган. 1 кг 4 % ли сутга сарфланган озуқа миқдори эса ҳар иккала гуруҳдаги сигирларга 1,03; 1,12 ва 1,19 озуқа бирлигини ташкил қилган.

I гуруҳ сигирлари II ва III гуруҳлар сигирларига нисбатан 1 кг табиий ёғлиқликдаги сут ишлаб чиқариш учун тегишлича 7,5 ва 11,3 % кам ва 1 кг 4%-ли сут учун 2,3 озуқа бирлигини кам сарфладилар, аммо ҳар 100 озуқа бирлигига нисбатан тегишли равишда 8,27 кг ва 13,18 кг табиий ёғлиқликда сут ҳамда 3,1 кг ва 5,9 кг 4%-ли сут кўп ишлаб чиқардилар.

Диссертациянинг **“Турли ишлаб чиқариш типидagi сигирларнинг айрим физиологик кўрсаткичлари”** номли бешинчи бобида сигирларнинг клиник кўрсаткичлари ва иссиққа чидамлилиқ индекси, сервис-даври муддатларига боғлиқликда сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, пуштдорлик хусусиятлари ва тадқиқотларнинг иқтисодий самарадорлиги йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Маълумки, ҳайвонлар маълум бир экологик шароитдан янги экологик шароитга келтирилганда, уларни янги иқлим шароитига мослашиш даражасини баҳолашда, иссиққа чидамлилиқ индексини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Ёз фаслида тажриба гуруҳларидаги сигиларнинг иссиққа чидамлилиқ индексини ўрганиш натижалари 9-жадвалда ёритилган.

**9-жадвал**

**Сигирларнинг иссиққа чидамлилиқ индекси**

Гуруҳлар	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	Cv, %	limit
I	86,8±1,14	2,62	84-90
II	86,6±1,92	4,45	82-92
III	84,4±1,92	4,56	80-90

Жадвал маълумотларининг кўрсатишича, I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг иссиққа чидамлилиги ўртасида сезиларли фарқ кузатилмади, ammo III гуруҳдаги сигирларда ушбу индекс I ва II гуруҳлардан 2,4-2,0 бирликка кам бўлди. Бунга қарамасдан барча гуруҳлардаги сигирлар яхши даражадаги юқори иссиққа чидамлилиқ индекси билан тавсифланиб, Зарафшон воҳаси шароитига яхши мослашганлигидан далолат беради.

Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиб, олинган натижаларни 10-жадвалда хавола қилдик (2021 йил).

**10-жадвал**

**Тажриба гуруҳларидаги турли типли симменталь зотли сигирлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	I	II	III
Ҳар 1 бош сигирга лактацияда сарфланган ҳаражатлар, минг сўм	11954,7	10748,1	10313,7
Ш.ж. озуқалар учун ҳаражатлар, минг сўм	6933,7	6233,9	5981,9
Ҳар 1 бош сигирдан олинган базис ёғлиликдаги сут, кг	4507,3	3943,5	3690,2
Ушбу сутнинг қиймати, минг сўм	15775,5	13802,2	12915,7
Ҳар 1 бош сигирдан жами олинган маҳсулот қиймати, минг сўм.	16675,5	14702,2	13815,7
Соф фойда, минг сўм	4720,8	3954,1	3502,0
Иқтисодий самарадорлик, %	39,5	36,7	33,9

Жами ҳаражатлар гуруҳлар бўйича фарқли бўлиб, мос равишда: 11954,7; 10748,1 ва 10313,7 минг сўмни ташкил қилди. Шу жумладан озуқа ҳаражатлари жами ҳаражатларнинг 58,0 фоизини ташкил қилди.

Бир кг базис ёғлиликдаги сутнинг ўртача харид нархи ушбу йилда 3500 сўмни, олинган бир бош бузоқнинг таннархи эса 900000 сўмни ташкил қилган. Бир бош сигирдан олинган жами даромад I гуруҳда 16675,5 минг, II гуруҳда – 14702,2 минг; III гуруҳда – 13815,7 минг сўмни ташкил қилиб, соф фойда I гуруҳдаги сигирларда II ва III гуруҳдаги сигирларга нисбатан мос равишда 766,7 минг сўм ёки 19,0 % ва 1218,8 минг сўм ёки 34,8 % га кўп бўлган. Рентабеллик даражаси I гуруҳдаги сигирларда энг юқори (39,5 %) бўлиб, бу II ва III гуруҳларга нисбатан тегишлича 2,8 % ва 5,6 % га кўп демакдир.

## ХУЛОСАЛАР

1. Зарафшон воҳаси шароитида четдан келтирилган симментал зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси ишлаб чиқариш типларига боғлиқ. Тажрибадаги сут типига мансуб I гуруҳ сигирларининг лактациядаги сут миқдори II гуруҳдаги сут-гўшт типидagi сигирларникидан 672,5 кг ( $P>0,999$ ) ва III гуруҳдаги гўшт-сут типидagi сигирларникидан 958,5 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чикими тегишли равишда 20,2 ва 29,4 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 507,4 кг ( $P>0,999$ ) ва 735,4 кг ( $P>0,999$ ) юқори кўрсаткичларга эга бўлди.

Сут-гўшт типидagi сигирларда сут миқдори гўшт-сут типидagi сигирларникидан 286 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чикими 9,2 кг ( $P>0,999$ ), сутдорлик коэффициенти 63,5 кг ( $P>0,999$ ), 4%-ли сут миқдори 228 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлди.

2. Зарафшон воҳаси шароитида четдан келтирилган барча ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирларнинг I ва III лактацияларида лактацияси биртекис кечиши аниқланди. I гуруҳда I ва III лактацияларда энг юқори ойлик сут миқдори лактациянинг учинчи ойида, II ва III гуруҳларда иккинчи ойида кузатилди, кейин аста-секинлик билан пасайиб борганлиги аниқланди. Бу маълумотлар сигирлар янги урчитиш шароитига мослашиб борганлигидан далолат беради.

3. Симментал зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги узвий равишда тирик вазнига боғлиқдир. Сут типидagi сигирлар I лактацияда тирик вазни 471 кг ва ундан юқори бўлганда 3,80% ёғлиликда 3387 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлдилар ва сут миқдори бўйича сут-гўшт ва гўшт-сут типидagi сигирларни тегишлича 171-634,7 кг ( $P>0,999$ ) ва гўшт-сут типидagi тенгқурларини 321-764,5 кг-га ( $P>0,999$ ) ўздилар.

4. Сут ишлаб чиқариш типидagi I гуруҳ сигирлари III лактацияда 531-560 кг тирик вазнига эга бўлганда 3,84% ёғлиликда 4350 кг сут миқдорига эришдилар ва бу кўрсаткич турли тирик вазнидаги сут-гўшт типли II гуруҳ ҳамда гўшт-сут типли III гуруҳлар сигирлариникидан тегишлича 768-1153 кг ( $P>0,999$ ) ва 932,5-1401,3 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлганлиги аниқланди.

5. Сутбоп подада сут ишлаб чиқариш типидagi симментал зотли сигирлардан фойдаланиш самаралидир. Уларнинг ўртача ҳар 1 бошидан сут-гўшт ва гўшт-сут типидagi сигирларга нисбатан ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига тегишли тарзда 164,9 кг (25,27%) ва 228,7 кг (38,84%) сут ҳамда 133,1 кг (19,56%) ва 186,3 кг (29,71%) 4%-ли сут кўп ишлаб чиқардилар.

6. Сигирларнинг озукани сут маҳсулоти билан қоплаш даражаси ишлаб чиқариш типларига боғлиқдир. Сут типидagi сигирлар 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун сут-гўшт ва гўшт-сут типидagi сигирларга нисбатан тегишлича 7,5 ва 11,3 % кам ва 1 кг 4%-ли сут учун 2,3 ва 5,5% озуқа бирлигини кам сарфладилар, аммо ҳар 100 озуқа бирлигига нисбатан тегишли равишда 8,27 кг (7,6 %) ва 13,18 кг (12,8 %) табиий ёғлиликда сут ҳамда 3,1 кг (2,7 %) ва 5,9 кг (5,4 %) 4%-ли сут кўп ишлаб чиқардилар.

7. Симментал зотли сигирлар Зарафшон воҳаси шароитида яхши даражадаги мослашувчанлик хусусиятларига эга бўлдилар. Улар ёз фаслида ишлаб чиқариш типидан қатъий назар, юқори иссиққа чидамлилиқ индекси

билан тавсифландилар. Бу уларни Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитига яхши даражада мослашганлигидан далолат беради.

8. Четдан келтирилган симментал сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражаси узвий равишда елин шакллариغا боғлиқдир. Сут ишлаб чиқариш типидagi тоссимон елин шаклига эга сигирлар III лактацияда 3,89% ёғлиликдаги 4196,6 кг сут маҳсулдорлигига эга бўлди ва уларнинг сут миқдори косасимон ва думалоқ елин шаклига эга сигирларникидан тегишли тарзда 795,5-867,6 кг ( $P>0,999$ ) ҳамда 1033,6-1288,6 кг ( $P>0,999$ ) юқори бўлди.

9. Симментал зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги туғишидаги йил фасллариغا боғлиқлиги аниқланди. Қиш фаслида туққан сигирларнинг III лактацияда сут миқдори баҳор, ёз ва куз фаслларида туққан сигирларникидан тегишлича 236,4; 485,3 ва 188,4 кг, 4%-ли сут миқдори 197,4; 372,9 ва 130 кг, сутдорлик коэффициенти 47,7; 80,2 ва 24,3 кг юқори бўлиши аниқланди.

10. Симментал зотли сигирлар подасида уларнинг 42,1% 491-510 кг, 21% - 511-530 кг ва 21% - 531-550 кг тирик вазнга эга бўлди, яъни подадаги жами симменталь зотли сигирнинг 84,1% 491 кг-дан 550 кг-ча тирик вазнга эга бўлганлиги аниқланди. Бундай тирик вазнли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ёғлилиги 4,14-4,15% 3436,1-3625,6 кг-ни ташкил этиб, сут миқдори симменталь зотининг амалдаги андоза талабларидан 236,6-425,6 кг (7,29-13,3%) юқори бўлди.

11. Четдан келтирилган симменталь зотли III лактациядаги барча ишлаб чиқариш типидagi сервис-даври 81-90 кун бўлган сигирлар юқори сут маҳсулдорлигини намоён қилдилар. Сервис-даври 81-90 кун бўлган сут типидagi сигирлар энг юқори сут маҳсулдорлиги кўрсаткичларига эга бўлиб, соғим миқдори уларда сервис-даври 80 кунгача, 91-100, 101 кундан юқори бўлган сигирларга нисбатан мос равишда 218,9; 115,0 ва 146,9 кг; сут ёғининг чиқими 1,4; 4,1 ва 3,7 кг га юқори бўлди.

12. Подадаги симментал зотли сигирларнинг 31,58% мақбул тоссимон, 44,74% косасимон елин шакллариغا ва 23,68% думалоқ елин шаклига эга бўлди. Тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг III лактацияда сут миқдори косасимон ва думалоқ елинли сигирларникидан тегишлича 632,5 кг ( $P>0,999$ ) ва 1137,9 кг ( $P>0,999$ ), сут ёғи чиқими 14,7 ва 29,7 кг ( $P >0,999$ ), 4%-ли сут 367,2 кг ( $P >0,999$ ) ва 743,1 кг ( $P >0,999$ ), сутдорлик коэффициенти 121,5 кг ( $P >0,999$ ) ва 213,9 кг ( $P >0,999$ ) юқори кўрсаткичлар билан тавсифланди.

13. Сигирларнинг ишлаб чиқариш типи сут қорамолчилигининг иқтисодий самарадорлигига таъсир кўрсатади. Сут типидagi сигирлардан хўжаликда фойдаланиш сут-гўшт ва гўшт-сут типидagi сигирларга нисбатан ҳар бир бош ҳисобига мос равишда 766,7 минг сўм ва 1218,8 минг сўм кўпроқ соф фойда олиш имконини берган, сут ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражаси эса тегишлича 2,8% ва 5,6% га юқорироқ бўлишини таъминлаган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО - ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ИНСТИТУТ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ**

**САТТАРОВ ФАРХОД РАХМАТИЛЛОВИЧ**

**ПРОДУКТИВНЫЕ И АДАПТАЦИОННЫЕ СВОЙСТВА КОРОВ  
СИММЕНТАЛЬСКОЙ ПОРОДЫ РАЗНЫХ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ  
ТИПОВ В УСЛОВИЯХ ЗЕРАФШАНСКОЙ ДОЛИНЫ**

**06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Самарканд - 2022**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров республики Узбекистан за номером B2020.3.PhD/Qx650.

Диссертация выполнена в Самаркандском институте ветеринарной медицины.  
Автореферат на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме) размещен на веб-странице по адресу (www.uzkarakul.uz.) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Аширов Мурадилла Ишанкулович**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Турганбаев Рузимбай Уразбаевич**  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Мадрахимов Шодлик Назарович**  
кандидат сельскохозяйственных наук


**Ведущая организация:** **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертации состоится «5» 08 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD05/12.2019.Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии при Научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru)), административное здание Научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь, 2-этаж).


С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано за номером №217). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М. Улугбека, 47. Административное здание института, 1-этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Автореферат диссертации разослан «18» 07 2022 года.  
(Реестр протокола рассылки №1 от «18» 07 2022 года)



  
**Ш.К.Амиров**  
Зам. председателя научного совета по  
присуждению учёной степени,  
к.с-х.н., доцент

  
**З.С.Кличев**  
Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.ф.с-х.н. (PhD)

  
**Д.Х.Холмирзаев**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёной степени, д.с-х.н., профессор

## Введение (аннотация докторской (PhD) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Скотоводству отводится особая роль в обеспечении населения продуктами питания. В странах с высокими показателями развития скотоводства, в том числе США, Германия, Голландия, Канада, Израиль и страны Европейского Союза для максимальной реализации генетического потенциала крупного рогатого скота уделяют особое внимание организации полноценного кормления и обеспечения оптимальных условий содержания. «В селекционно-племенной работе оценка качества потомства, полученных в результате спаривания с широким использованием семени племенных быков-улучшателей повышается молочная продуктивность пород крупного рогатого скота»<sup>1</sup>. Использование современных технологий в целях повышения молочной продуктивности и плодовитости коров разных пород, улучшение свойств вымени и пригодности к машинному доению является актуальным направлением исследований.

В различных странах мира коровы симментальской породы различного производственного типа отличаются высокой молочной продуктивностью, пригодности вымени к машинному доению и оплаты корма молочной продукцией. Надой молока коров симментальской породы при хорошем обеспечении кормами может составлять 6000-6500 кг за лактацию. Использование племенных быков-улучшателей позволяет повысить качество молочного стада в 2-3 раза. Исследования, направленные на разведение коров данной породы в разных регионах, изучение адаптации к различным условиям внешней среды, эффективное использование продуктивных возможностей породы, обеспечения продовольственной безопасности, повышение объема производства молока и мяса обретают более актуальный характер.

Симментальская порода, являющаяся породой скота комбинированного направления продуктивности, коровы отличаются высокой молочной продуктивностью, качества молока и её питательности, а бычки высокой мясной продуктивностью и качества мяса. За последние годы данная порода завозится в Узбекистан из разных стран Европы. Однако, взаимосвязь между продуктивными свойствами и различными факторами недостаточна изучена. В связи с этим, определение взаимосвязи разных факторов с молочной продуктивностью, морфофункциональных свойств вымени, особенностей течения лактации коров разных производственных типов симментальской породы имеет большое значение.

В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставленные задачи по «...динамичному развитию сельскохозяйственного производства, дальнейшему укреплению продовольственной безопасности, расширение производства экологически

---

<sup>1</sup> <http://www.fao.org/docrep/018/i3300e.pdf>.

